

Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгаши доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди



Мазкур доимий комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5633-сонли Фармонига мувофиқ мурожаатлар билан ишлаш ҳолати, шунингдек, мурожаатлар таҳлилига асосан ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг натижадорлиги тўғрисида, 2023 йилнинг 6 ойи давомида норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати ҳамда “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунига асосан туманда жамоат хавфсизлиги таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Йиғилиш якунида кўрилган масалалар юзасидан соҳа йўналишига доир кўрсатма ва тавсиялар берилди ҳамда туман Кенгаши доимий комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.